
МЎЛ ПИЛЛА ЕТИШТИРИЛДИ

Йил давомида бир неча бор ипак қурти парваришланиши аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш, саноат учун қимматбаҳо хом ашё етказиб бериш, энг асосийси, одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришларида муҳим омил саналади. Туманимиздаги Юқори Сойбўйи МФЙда яшовчи Хакимахон Қорабоева 2007 йилдан буён ипак қурти парвишлаш билан шуғулланиб келади. Тумандаги илғор пиллакорлардан. Бу йилги мавсумда Хакимахон синов тариқасида иккинчи бор ипак қуртини парваришлаб, ҳосилини йиғиштирмоқда. –Авваллари ҳам мавсум давомида икки бор ипак қурти парваришлар эдик, – дейди Ҳ.Қорабоева. – Лекин кўзланган ҳосилни ололмасдик. –Бу йил иккинчи мартта ҳосил олишга эришдик. Бунинг учун ипак қуртини бизнинг шароитимизга мослаштириб берган “Ёзёвон агропилла” МЧЖ ходимларига ташаккур. Мана МЧЖ раҳбарияти пиллани теришимиздан олдин совға-саломлар билан келишиб, ҳирмонга барака тилаб кетишди.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-09-10 16:52:34